

Поёнов Шоҳмалик
Тадқиқотчи, ТошДШИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРАБ ФАТҲ ЮРИШЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ТАРИХИЙ МАНБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада VII–IX асрларда Марказий Осиёда араблар томонидан олиб борилган фатҳ юришилари тўғрисида маълумот берувчи ёзма манбалар ҳамда уларнинг мавзуни ўрганишдаги аҳамияти ёритилади.

Таянч сўз ва иборалар: Араб халифалиги, фатҳ юришилари, Хуросон ноиблари, моддий ва ёзма манбалар, Сӯёд, “Китаб футух ал-булдон”, “Китаб ал-футух”, хитой солномалари.

Аннотация. В данной статье рассматриваются письменные источники, информирующие о походах арабов в Центральную Азию в VII–IX вв., а также значение этих источников в изучении данной темы.

Опорные слова и выражения: Арабский халифат, завоевания, наместники Хорасана, материальные и письменные источники, Согд, «Китаб футух ал-булдан», «Китаб ал-футух», китайские летописи.

Abstract. The article deals with information about the sources that narrate about the Arab conquests in Central Asia held on VII-IX centuries and their significance of investigating the following theme.

Keywords and expressions: Arab caliphate, conquests, Khurasan vicegerents, material and written sources, Soghd, Kitab futuh al-buldan”, “Kitab al-futuh”, Chinese chronicles.

Марказий Осиё халқлари тарихида VII–IX асрларда Араб халифалиги ноиблари, лашкарбошилари томонидан амалга оширилган ҳарбий юришилар, ҳудуддаги маҳаллий ҳокимликлар, вилоятлар ва шаҳарларнинг араблар томонидан забт этилиши ва у ерда Араб халифалиги хукмронлигининг ўрнатилиши маҳаллий халқлар ҳаётининг барча жабҳаларида тубдан бурилиш, ўзгариш нуқтаси бўлди. Бу, бир томондан, маҳаллий маданиятнинг, асрлар давомида шаклланган маданий ва маънавий тараққиёт илдизларига зарба берган бўлса, иккинчи томондан, мазкур сиёсий жараён Марказий Осиё халқларининг кейинги янги тараққиётига ўзига хос замин бўлиб хизмат қилди.

Тарихий ўтмиш тўғрисидаги ахборотларнинг илмийлиги уларнинг манбайи асосларига кўра белгиланади, яъни бу манбалар уларни ҳаққоний ва обектив ёритишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳар бир тарихий воқелик ўзининг, у моддий бўладими ёки ёзмами, манбасига эга бўлади. Марказий Осиёда араблар томонидан амалга оширилган юришилар тарихи тўғрисида ҳам

маълумот берувчи тарихий манбалар салмоқли бўлиб, уларни қуидаги тартибда таснифлаш лозим топилди:

1. Маҳаллий моддий ва ёзма манбалар: сўғдий ва бақтрий тилли ёзма ёдгорликлар ҳамда қадимги турк руний битиктошлари (Ўрхун-Энасой битиктошлари, VII–IX асрлар);
2. Араб муаррихлари ва географлари асарлари (VIII–XII асрлар);
3. Маҳаллий муаррихлар асарлари (IX–XII асрлар);
4. Кейинги давр муаррихлари асарлари (XIV–XIX асрлар).

Арабларнинг Марказий Осиёга кириб келиши билан боғлиқ бўлган дастлабки ёзма маълумотлар маҳаллий сўғдий ҳамда бақтрий тилли ёзма ёдгорликларда ўз аксини топган¹. Жумладан, Араб халифалигининг минтақадаги ҳарбий ҳаракатлари ҳақидаги дастлабки маълумотларни Муғ тоғидан топилган A-14 рақамли Сўғдий хужжатда *тазиг* (араб)ларнинг Чоч ва унинг атрофларини эгаллаши, Панч (Сўғд) хукмдори Диваштичнинг арабларга қарши тузилган Турк хоқонлиги ва Чоч, Фарғона хукмдорлари иттифоқига муражгаати каби лавҳалар ўз ифодасини топган².

Шунингдек, Муғ тоғи сўғдий хужжатларидан 1.I. рақамли хужжатда Абдурраҳмон ибн Субҳ (Саббоҳ) номи учрайди, хужжат мазмунидан Араб халифалигининг Хуросондаги амирларидан бирининг хукмдор Диваштичга 720–721 йилда йўллаган мактуби эканлиги аён бўлади³. Муҳими шундаки, мазкур мактуб аслида араб тилида ёзилган бўлиб, Сўғд хукмдори уни ўз котиблари орқали сўғдий тилга ўтирирган. Ушбу маълумот ўша даврда араб истилочилари ва маҳаллий хукмдорлар орасида ўзаро ёзишмалар бўлганлигидан далолат беради. Бақтрий тилли хужжатларда эса арабларнинг Тохаристон ва Кобул водийсига қилган хужумлари ва уларга қарши маҳаллий хукмдорларнинг иттифоқчиликдаги ҳаракатларига доир маълумотлар сақланиб қолган⁴. Ушбу хужжатлар орқали Сўғдда бўлгани каби маҳаллий хукмдорлар орасида истилочиларга қарши кураш, шу мақсадда ўзаро мактублар алмасиниши йўлга қўйилганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин⁵.

Сўғд хукмдори Ғуракнинг ёзган мактуби шу ўринда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳақида ат-Табарийда таъкидланади. Мактуб Хитой пойтахтига 719

¹ Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси: XIX аср ўрталари – XXI аср бошлари. Масъул мухаррир Д. Зияева: Ўз ФА, Тарих институти. – Т.: Шарқ, 2012. 9-б.

² Согдийские документы с горы Муг. Чтение. Перевод. Комментарий. Вқп. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарий В. А. Лившица. – М.: Издательство восточной литературы, 1962. – С. 80–84, 89; Исҳоқов М. М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Т.: Фан, 1992. 7–11-б.

³ Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: Филологический факультет СПб ГУ, 2008. – С. 119–120.

⁴ Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions // Coins, Art and Chronology Essays on the pre-Islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. – Wien, 1999. – Р. 245–258.

⁵ Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси: XIX аср ўрталари – XXI аср бошлари. Масъул мухаррир Д. Зияева: Ўз ФА, Тарих институти. – Т.: Шарқ, 2012. 10-б.

йилнинг иккинчи ойида етиб келади, унинг ёзилган муддати эса 718 йилнинг охири ёки 719 йилнинг бошига тўғри келади (хижрий 100 йил). Унда сўғдийларнинг арабларга қарши 35 йилдан буён жанг олиб бораётганлиги, аммо муваффақиятсизликка учраётганлиги сабабли императордан уларга хитой аскарларидан ёрдамга юбориши сўралади⁶.

Марказий Осиёдаги араблар истилосига оид бўлган баъзи бир маълумотлар қадимги турк руний битиктошларида ҳам бир қанча ўрин олган бўлиб, бундай битиктошлардан Тунюқуқ битиктоши (725 йил)⁷ ҳамда Култегин битиктошларида (732 йил)⁸ Турк хоқонлиги қўшинларининг 710 йилда Енчу Угуз (Сирдарё)ни кечиб ўтиб, Тохаристонгача етиб боргани ва тазиклар билан тўқнашгани ҳақида гап боради. Ушбу маълумотлар араблар истилосига қарши курашган Чоч, Фаргона, Сўғд, Бухоро, Тохаристон каби иттифоқчиларнинг бошида Турк хоқонлиги турганлигига доир бошқа манбаларда ўрин олган маълумотлар мос келади.

Марказий Осиёга арабларнинг кириб келиши, жойлашуви ва ҳаёти ҳақидаги маълумотлар хитой тилидаги манбаларда, йилномаларда ҳам қайд этилгандир. Жумладан, Хитойнинг Тан сулоласи тарихидан ҳикоя қилувчи йилномаларидан бири бўлган “Тан шу” (“Тан сулоласи тарихи”) йилномасида Араб халифалиги номи учрайди ва “Даши” кўринишида келади. Унда халифаликнинг Ўрта Осиёдаги маҳаллий ҳокимликларни эгаллаши ҳақидаги анчагина маълумотлар учраши баробарида, милодий 751 йилда бўлиб ўтган Талас водийсидаги араблар ва хитойликлар ўртасидаги жанг ва унда араблар томонида туриб урушган маҳаллий хукмдорлар хусусида ҳам сўз юритилган⁹.

XI асрга тегишли бўлган хитой энциклопедияси Зе-фу юан-гуйда бир нечта ўрта осиёлик хукмдорларнинг Хитой императорига арабларга қарши кураш учун ёрдам сўраб ёзган илтимоснома мазмунидаги хатлар учрайди¹⁰.

⁶ Бартольд В. В. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. Сочинения. Т. 2, ч. 2. – М.: Наука, 1964. – С. 382.

⁷ Тўньюқуқ битиги Улан-Батордан 66 км жануби-шарқда, Баин Сокто манзилида жойлашган ва иккинчи турк хоқонлигининг асосчиси Элтариш хоқоннинг (681–691) маслаҳатчи саркардаси Тўньюқуқка аталган ва 712–716 йиллари ёзилган. 1897 йили рус олими Д. А. Клеменс (1848–1914) ва унинг хотини елизавета Клеменслар тарафидан очилган, В. В. Радлов (1899 й.), В. Томсен (1922), Х. Шедер (1924), Д. Росс (1930) ҳамда Г. Айдаров (1971) тарафидан яхши ўрганилган, матни немисча, данияча, инглизча ва русча таржималари билан чоп этилган. 1982 йилда F. А. Абдураҳмонов ҳамда А. Рустамов томонидан ўзбек тилига қисқача таржима қилинган.

⁸ Култегин битиги Билга хоқоннинг (716–734) иниси Култегин (731 йили вафот этган) шарафига ёзилган. Мўгулистоннинг Кошо Сайдан водийсида Кўкшин Ўрхун дарёси бўйидан рус археолог ва этнограф олими Н. М. Ядринцев (1842–1894) томонидан 1889 йили топилган. Битик В. В. Радлов (1891), А. Хейкел (1892), В. Томсен (1896), П. М. Мелиоранский (1897), Х. Шедер (1924), С. Й. Малов (1951), Г. Айдаров (1971)лар томонидан немисча, франсузча, русча таржималарда чоп этилган. F. А. Абдураҳмонов ва А. Рустамов томонидан ўзбек тилига қилинган қисқача таржимаси 1982 йилда амалга оширилган.

⁹ Бичурин Н. Я. Собрание сведение о народах, обитавших Средней Азии в древние времена. – М. –Л.: Изд. АН СССР, 1950. Т. I. – С. 292; Т. II. – С. 315–340.

¹⁰ Бартольд В. В. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. Сочинения. Т. 2, ч. 2. – М.: Наука, 1964. – С. 381.

Марказий Осиёнинг Араб халифалиги таркибига кириши бу ерда давлат тили сифатида араб тилининг амал қилишига олиб келди. Араб тили нафақат давлат юритиш тили сифатида, балки илм тили сифатида ҳам алоҳида ўрин эгаллай бошлади. Шу жиҳатдан, араб тилидаги манбалар ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳам маҳаллий муаррихларнинг, ҳам хорижий муаррихларнинг бу даврда араб тилида ижод этганлигини инобатга олмоқ даркор.

Араб тилидаги манбаларнинг Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишдаги аҳамияти шундан иборатки, минтақанинг VII асрдан IX асргача бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёти, асосан, араб тилидаги манбаларда ёритилган. Шу жумладан, араб фатҳ юришлари тўғрисида ҳам бу манбалар батафсил маълумот беради. Бинобарин, уларнинг яна бир асосий хусусияти – уларда бутун Араб халифалигининг ҳудуди битта умуммусулмон олами сифатида ёритилади. Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақаси мазкур манбаларда Мовароуннаҳр номи билан ҳам эътироф этилади.

Маҳаллий муаррихлар томонидан ёзилган асарлар жумласига машҳур қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг (973–1048) “Осор ул-боқия ан ал-курун ал-ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”)¹¹ асарини киритишимиз мумкин. Асар 1000 йилда Журжонда ёзиб тамомланган. Унда Ўрта Осиё, Юнон, Эрон, Ҳинд, насроний, яхудий ва бошқа халқларнинг исломиятгача бўлган тарихи, урфодатлари, байрамлари ва асосан вақтни ҳисоблаш тақвими – хронология тўғрисида мукаммал маълумот берилади. Бу асарнинг русча ва ўзбекча таржималари Тошкентда 1957 ва 1968 йиллари нашр эттирилган.

Машҳур математик олим Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг (VIII аср охири – IX аср биринчи ярми) “Китаб ат-тарих” асари ҳам тарихга бағищланган бўлиб, муаллиф марказий осиёлик олимлар ичida биринчи бўлиб “Китоб ат-тарих” асарини ёзган. Гарчи бу асар бизгача мукаммал ҳолида етиб келган бўлмаса-да, ундан олинган парчаларни сўнгги давр тарихчилари Ибн ан-Надим, Ал-Масъудий, Ат-Табарий, Ҳамза ал-Исфаҳонийлар ўз асарларида келтирадилар. Бу китобни Абу Райҳон Беруний ўзининг “Осор ул-боқия” асарида ҳам эслатади. Мазкур асар халифалик тарихига оид маълумотлардан иборат бўлган¹².

Марказий Осиёнинг араблар томонидан забт этилиши тўғрисида маълумот берувчи араб муаллифларининг асарлари ҳам етарли. Юришлар тарихи ҳақида мукаммал тарзда ҳикоя қилувчи араб тилидаги энг муҳим асарлардан

¹¹ Абу Райҳон Бируни. Памятники минувших поколений (Перевод с арабского и примечания М.А. Салье). Бируни. Избранные произведения. Т. 1. – Т., 1957; Абу Райҳон Бируни. Избранные произведения. Памятники минувших поколений. Т., 1963; Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Беруний. Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: Фан, 1968; Абу Райҳон Беруний. Осор ул-боқия. – Душанбе: Дониш, 1980; Абу Райҳон Беруний. Осор ул-боқия. – Душанбе: Дониш, 1990; Абу Райҳон Бируни. Осор-ул-бакия. Душанбе: Ирфон, 1990.

¹² Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги. Ўқув кўлланма. Масъул муҳаррир: М. М. Исҳоков, Х. Т. Файзиев. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2011. 59–60-б.

бири – бу “Китаб футух ал-булдон”дир. Асар муаллифи Абубакр Аҳмад ибн Яхё Жабир ал-Балазурий бўлиб, унинг “Китаб ал-ансаб ал-шариф” номли асари ҳам мавжуддир.

Асар VII асрда олиб борилган ҳарбий юришларнинг тўлиқ қамровли тарихидан забт этилган ҳудудлар бўйича маълумот беради¹³. Фақат шу асарда арабларнинг халифа Усмон (644–656) ва унинг Хуросондаги ноиби Абдуллоҳ ибн Амр даврида Мовароуннаҳрга бир неча бор бостириб кирганликлари ва Маймурғни (Самарқанд туманларидан бири) талаб қайтганликлари ҳақида маълумот бор¹⁴.

“Китаб футух ал-булдон”даги маълумотлар тизимли кўринишга эга, яъни улар дастлаб географик, сўнгра тарихий принцип асосида тартиб берилган. Ҳар бир вилоят (худуд)га алоҳида боб бағишлиланган бўлиб, уларнинг охирида Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрнинг забт этилиши тўғрисида сўз боради. Ал-Балазурий тарих илмида ишончли, ҳақиқий тарихчилардан бири ҳисобланиб, тарихий далилларнинг муҳимлигини баҳолай олган. У бошқа муаррихлардан фарқли равишда, халифаликнинг ташқи сиёсатигагина эътиборни қаратибгина қолмасдан, маданий ҳаётига эътиборини қаратади.

Абу Муҳаммад Аҳмад бин Аъсам ал-Куфийнинг (Х–XI асрлар) “Китоб ал-футух” (“Фатҳлар китоби”) ҳам арабларнинг истилочилик ҳаракатлари ҳақида маълумотларни ўзида жамлаган асосий манбалардан биридир. Муаллифнинг ҳаёти тўғрисида маълумотлар бизга деярли маълум эмас, аммо унинг номи биринчи марта Абу Наср Аҳмад бин Аҳмад бин Надр ал-Бухорийнинг хижрий 477 йилда ёзилган “Тоқ ал-қисас” асарида зикр этилади¹⁵.

Араб тилида ёзилган “Китаб ал-футух” асарининг форсий тилдаги таржимаси ҳам бор бўлиб, бу таржима Муҳаммад бин Аҳмад ал-Муставфий ал-Ҳаравий томонидан хижрий 596 йилда (милодий 1199 йил) амалга оширилган. Форсча таржимаси “Футухи Ибн Аъсам”, “Таърихи Аъсам Кифи”, “Таржима-и китаб-и футух” деб ҳам номланади¹⁶. Унинг бир неча литографик ва қўллўзма нусхалари мавжуд. Бироқ асарнинг араб тилидаги асл нусхасининг сақланиб қолмаганлиги илмий маълумотларни олишда баъзи мураккабликларни ўртага ташлайди.

Ал-Куфий кейинги давр муаллифлари асарларида ҳам зикр этилган. Жумладан, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, сўнгра эса “Нигористон” асарларида

¹³ Nasreen Afzal, Arwa Juzer. Al-Baladhuri’s Kitab Futuh al-buldan: Third century Hijri Humanistic History. ТО ВХМА ΤΩΝ ΚΟΙΝΩΝΙΚΩΝ ΕΠΙΣΤΗΜΩΝ, Τόμος ΙΣΤ, τεύχος 63 Φθινόπωρο, 2014. – Р. 5.

¹⁴ Марказий Осиё ҳалқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги. Ўқув қўлланмана. Масъул мухаррир: М. М. Исҳоков, X. Т. Файзиев. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2011. 61-б.

¹⁵ Akdes Nimet Kurat. Abu Muhammad A’tham al-Kufi’s Kitab al-Futuh and its importance concerning the Arab conquest in Central Asia and the Khazars. (www.google.com). – Р. 275.

¹⁶ Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители: кандидаты филологических наук Д. Ю. Юсупова, Р. П. Джалилова. – Т.: Фан, 1998. – С. 22.

Ибн Аъсам ал-Куфийнинг мазкур асари ат-Табарийдан сўнг иккинчи манба сифатида фойдаланилган¹⁷.

“Китаб ал-футух”нинг дастлабки жилди 267 бобдан иборат бўлиб, халифа Усмон бошқарувининг сўнгги даврларини ўзида акс эттиради. Иккинчи жилд 273 бобдан ташкил топган бўлиб, унда халифа Мустаъиннинг ўлимигача бўлган воқеалар (милодий 866 йилгача) тўғрисида ҳикоя қилинади.

Асарда асосий эътибор халифаликнинг сиёсий тарихига, айниқса, араб истилоларига қаратилган. Унинг энг муҳим қисмлари, албатта, Марказий Осиёдаги араб истилолари тарихидир. Қутайба ибн Муслимнинг ҳарбий ҳаракатлари, Хоразм ва Самарқандга юришлари, Сўғд ҳукмдори Ғурак билан Қутайба ўртасидаги жангларнинг тўлиқ тафсилоти шулар жумласидандир. Шу ўринда айтиш лозимки, Балъамий келтирган маълумотлар бу ўринда Аъсам ал-Куфий берган маълумотлар билан деярли ўхшашдир.

“Китаб ал-футух” асари учта қисмдан ташкил топган. Унинг биринчи қисми 11/632 йилдан 35/656 йилгача бўлган воқеаларни, иккинчи қисм – 223/837 йилгача, учинчи қисм эса 252/866 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. ЎзРФА Шарқшунослик институтида бу асарнинг икки қўллётмаси сақланмоқда¹⁸.

Асар муаллифи Аъсам ал-Куфий бу давр тарихини ёритишда бошқа муаррихлар – Ал-Балазурӣ, Ат-Табарӣ, Ан-Наршахӣ билан тенг ўринда туради. Унинг араб истилоларини ёритувчи “Китаб ал-футух” асари нафақат Ҳурросон ва Мовароуннаҳрдаги, балки бошқа худудларнинг араблар томонидан забт этилиши ҳақида ҳам муҳим маълумотларни жамлаган энг асосий манбалардан биридир.

IX асрнинг йирик қомусий олимларидан бири Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Жарир ат-Табарий (294/838-839–310/923) ҳам Марказий Осиёдаги араб юришлари тўғрисида муҳим маълумотларни келтирган. Муаллиф Эроннинг Амул вилоятида (Мозандарон) таваллуд топган¹⁹, умрининг кўп қисмини эса Бағдодда ўтказган. Ат-Табарий бир неча асарлар ёзган бўлиб, унинг, айниқса, “Тарих ар-русл ва-л-мулук” (“Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи”) асари Марказий Осиёнинг араб ҳукмронлиги давридаги тарихини ўрганиш учун қимматли манба ҳисобланади.

¹⁷ Akdes Nimet Kurat. Abu Muhammad Ahmad bin A'tham al-Kufi's Kitab al-Futuh and its importance concerning the Arab conquest in Central Asia and the Khazars. (www.google.com). – Р. 275.

¹⁸ Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История / Всеобщая история / **كتاب فتوح** Книга о завоеваниях. Составители: кандидаты филологических наук Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. Т.: Фан, 1998. – С. 22-23.

¹⁹ Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители: кандидаты филологических наук Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. Т.: Фан, 1998. – С. 17.

Умумий тарихга бағишенген “Тарих ар-русул ва-л-мулук” асари 1879–1901 йилларда 15 жилдда кириш, қўрсаткичлар билан Лейден шаҳрида Де Гуе ва бошқалар томонидан нашр эттирилган²⁰.

Асар энг қадимги даврлардан 303/912 йилга қадар бўлган тарихий воқе-ликларни хронологик тартибда баён қиласди. У муаллиф томонидан бизгача етиб келмаган кўпгина манбалар асосида ёзилган бўлиб, унда Кавказ ва Кавказорти, Марказий Осиё ҳудудларида бўлиб ўтган воқеалар, Араб хали-фалиги ҳудудлари, жумладан, Эрон ва Ўрта Осиё минтақасининг ижтимоий-сиёсий тарихи ҳикоя қилинади.

Бу асар Мовароуннахрнинг VIII–IX асрлар тарихини ўрганиш учун энг му-хим манбалар таркибига киради. Бизгача унинг қисқартирилган тахрири етиб келган, бироқ асарнинг муфассал тахрири ҳам мавжуд бўлган. Асар “Тарихи Табарий” деб ҳам номланиб, унинг форсий тилдаги тахрири ҳам амалга оширилган. Уни сомонийлар даврида давлат вазири бўлган Ал-Балъамий ҳукмдор Абу Солиҳ Мансур бин Нух буйруғига асосан 352/963–964 йилда форс тилига таржима ва тахрир қилиб, унга янги маълумотларни ҳам киритган.

“Тарихи Табарий”нинг Балъамий томонидан амалга оширилган таржима-си ҳам дастлаб жилдларга бўлинган. Жилдлар бобларга, фаслларга ёки қисм-ларга бўлинган²¹.

Биринчи жилд ёки қисм таркиби бўйича дунёнинг яратилишидан сосоний ҳукмдор Яздигард III ҳукмронлигининг бошларига қадар (632–651) бўлган умумий тарихни ўз ичига олади.

Иккинчи жилд ёки қисм эса Мұхаммад пайғамбар, дастлабки тўрт халифа (чаҳорёрлар), Умавийлар ва Аббосийлар (халифа Мұтасимнинг ўлимигача бўлган давр) даврини қамрайди²².

Ат-Табарийнинг мазкур асари кейинчалик бошқа тилларга ҳам таржима қилинган, жумладан, XVI асрда асар Воҳид ал-Балхий томонидан эски ўзбек тилига ўгирилган. XIX асрда эса уйғур тилига таржима қилинган²³.

“Тарих ар-русул ва-л-мулук” (ёки “Тарихи Табарий”) асари қўлёзма нусха-ларининг 16 таси ҳозирда ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда²⁴.

Араб муаррихи ва географи Аҳмад ибн Абу Яъқуб ибн Жаъфар ибн Ваҳб ибн Вадиҳ ал-Яъқубийнинг “Китаб ат-таърих” (“Таърихлар тўғрисида китоб”) ва “Китаб ул-булдан” (“Мамлакатлар тўғрисида китоб”) асарлари ҳам муҳим

²⁰ Там же. – С. 17.

²¹ Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители: кандидаты филологических наук Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. Т.: Фан, 1998. – С. 17.

²² Там же. – С. 18.

²³ Там же. – С. 18.

²⁴ Қаранг: Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История / Всеобщая история / تاریخ طبری История Табари. Составители: кандидаты филологических наук Д. Ю. Юсупова, Р. П. Джалилова. – Т.: Фан, 1998. – С. 17–22.

ахамиятга эга асардир. Муаллифнинг туғилган йили номаълум бўлиб, у Бағдодда ёки Халифаликнинг шарқий қисмида таваллуд топган²⁵. Дастлаб халифаликнинг турли вилоятларида, яъни халифа Ал-Мансур, Ал-Маҳдий ва Ал-Ҳодий даврида Арманистонда ва Мисрда халифанинг ноиби бўлиб хизмат қилган²⁶, сўнgra умрини Хуросонда ўтказган, кейинчалик Тоҳирийлар хизматида бўлган. Бу сулола инқирозидан сўнг дастлаб Ҳиндистонда, сўнgra Мисрда яшаган.

“Китаб ул-булдан” асари ҳижрий 278-йилда (милодий 891-йил) Мисрда ёзиб тугалланган. Асар тўлиқлигича сақланмаган бўлиб, бизгача унинг Ироқ, Эрон, Ўрта Осиё ва Афғонистонга тааллуқли қисмларигина сақланиб қолган. Асада Тоҳирийлар давригача бўлган Хуросон хукмдорлари, шаҳарлар, солиқ тизими, савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ва бошқалар ҳақида маълумот берилган.

Муаррихнинг ушбу асари К. Брокельман, Т. Левисткий, И. Крачковский, В. Беляев, П. Булгаков каби шарқшунослар томонидан бир мунча ўрганилган. Унинг илмий муомалага киритилиши эса академик В. В. Бартольд номи билан боғланади²⁷.

Ал-Яъқубий ўз асарида географик вилоятлар ҳақида сўз юритар экан, арабларнинг минтақага кириб келиши ва истилолари ҳақида ҳам баъзи маълумотларни келтириб ўтган. Жумладан, Балх вилояти ҳақидаги бобда худуднинг истило этилиши халифа Усмон давридан бошланганлиги айтиб ўтилади²⁸.

Шунингдек, Самарқанд шаҳри хусусида сўз борар экан, шаҳарнинг халифа ал-Валид ибн Абд ал-Малик ҳукмронлиги даврида Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслим томонидан забт этилганлиги ҳамда Қутайбанинг маҳаллий дехқон ва подшолар билан сулҳ тузганлиги айтиб ўтилади²⁹.

Ал-Яъқубийнинг истилолар ҳақидаги маълумотлари “Китаб ат-таърих”да ҳам батафсил ўз аксини топган. Муаррихнинг, айниқса, Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан истило этилишига доир маълумотлари қимматли ҳисобланади. Мовароуннаҳрнинг истилоси этилиши қўйидаги ҳарбий юришлар ҳақидаги маълумотларда ифода этилган:

- Ҳижрий 54 йилда (милодий 673–674) Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг Бухорога юриши;
- Саъид ибн Усмоннинг юриши (ҳижрий 57–60 йиллар (милодий 676/677–679/680 йиллар оралиғидаги воқеалар баёнида));

²⁵ Шаниязов К. К. Ал-Йа’куби – как историк Арабского халифата. Дисс. ... уч. степ. канд. исторических наук. Науч. руководитель: П. Г. Булгаков. – Т., 1996. – С. 21.

²⁶ Там же. – С. 21.

²⁷ Шаниязов К. К. Ал-Йа’куби – как историк Арабского халифата. Дисс. ... уч. степ. канд. исторических наук. Науч. руководитель: П. Г. Булгаков. – Т., 1996. – С. 7.

²⁸ Там же. – С. 38.

²⁹ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. “Шарқ баёзи”, “Шарқ машъали” журналига илова. – Т., 1993. 26-б.

- Салм ибн Зиёднинг юриши (хижрий 63–64 йиллар (милодий 682/683–683/684 йиллар оралиғидаги воқеалар баёнида));
- Хуросон ноиби Ибн Ҳазим ас-Суламий фаолияти;
- Ҳижрий 78 йилдан (милодий 697–698) кейин ал-Мұхаллаб ибн Абу Суфранинг Сўғдга юриши;
- Қутайба ибн Муслимнинг юришлари³⁰.

Яна бир асосий манбалардан бири – Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар ибн Закариә ибн Хаттоб ибн Шариқ ан-Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асари ҳам мавзу доирасидаги муҳим манбалардандир. Бу асар Бухоро ва унга туташ ҳудудларнинг VII-X асрлардаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидан ҳикоя қилувчи қимматли тарихий манбалардан биридир. Бу асар милодий 944 йилда ёзиб тугалланган.

Гарчи “Тарихи Бухоро” асари аслида араб тилида ёзилган бўлса-да, унинг араб тилидаги асл нусхаси бизгача сақланиб қолмаган. Асар 1128 йилда форсий тилга Абунаср Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Наср ал-Қубовий томонидан қисқартирилган тарзда таржима қилинган.

XII асрга (1178 йил) келиб, “Тарихи Бухоро” иккинчи марта котиб Мұхаммад ибн Зуфар ибн Умар томонидан таҳрир қилинган бўлиб, ўша давр воқеалари ҳам асарга қўшиб киритилган.

Ан-Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асари аҳамияти шундаки, у Мовароуннахрнинг араблар томонидан эгалланиши, Бухоро ва унга ёндош ҳудудлар ва шаҳарларнинг Хуросон ноиблари томонидан вайрон этилиши, Қутайба ибн Муслим даврида арабларнинг Мовароуннахрга кириб келиши ва бу ерда ислом динининг тарқалиши, Сомонийлар сулоласи ва уларнинг ҳукмронлиги йилларидағи тарихий воқеликлар ҳақида баён этувчи қимматли манба ҳисобланади.

Иzzаддин ибн ал-Асир ал-Жазарийнинг (555/1160–630/1233) “Ал-комил фи-т-таърих” (“Муқаммал тарих”) асари ҳам араб тилида ёзилган манбалар сирасига киради. Бу асар Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга тарихий манба бўлиб, унда араблар истилоси ҳақидаги маълумотлар ҳам баён этилган.

Асар ўн икки жилдан ташкил топган бўлиб, унда 1231 йилгача бўлган тарихий маълумотлар жамланган. Сиёсий, ижтимоий воқеалар асарда хронологик кетма-кетликда – даврий тартибда баён этилган. “Ал-комил фи-т-таърих”да ҳозиргача сақланмаган Табарий ва ас-Салломийнинг “Китоб фи ахбор вулоти Хуросон” (“Хуросон ҳукмдорлари ҳақида ахборот берувчи китоб”) каби асаридан фойдаланилган. Шунингдек, аввалроқ яшаб ўтган муаррихлар – Ал-Балазурийнинг

³⁰ Шаниязов К. К. Ал-Йа’куби – как историк Арабского халифата. Дисс. ... уч. степ. канд. исторических наук. Науч. руководитель: П. Г. Булгаков. – Т., 1996. – С. 74–75.

“Китаб ансаб ал-ишраф”, Ат-Табарийнинг “Тарих ар-руслан ва-л-мулук”, ибн Мискавайх ва бошқаларнинг асарларидан ҳам фойдаланилган³¹.

Ибн ал-Асир X асргача бўлган тарихни ёзишда Ат-Табарий маълумотларидан фойдаланиш билан бирга, унга қўшимчалар ҳам киритган.

Асарнинг бошқа номи “Камил фи-т-таварих” бўлиб, унинг ўзбек тилига (эски ўзбек ёзувида) таржимаси Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Феруз топшириғига асосан 1321/1903–1904 – 1325/1907–1908 йилларда бир неча таржимонлар томонидан амалга оширилган³².

Асарнинг III–IV жиллари ўрганилаётган давр тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган бўлиб, 931 йилгача бўлган тарихий воқеликларни қамрайди. Асар гарчи илгари яшаб ўтган муаррихлар асарларига таяниб ёзилган бўлса ҳам, лекин уларда учрамайдиган янги маълумотлар ҳам унда келтириб ўтилган. Жумладан, 751 йилда бўлиб ўтган араб лашкарлари ва хитойликлар ўртасидаги Талас водийсида бўлган жанг тафсилотлари³³ ҳақида мазкур асарда ахборот берилган бўлиб, бу ҳақда фақатгина хитой йилномаларида (“Тан шу” – “Тан сулоласи тарихи”) маълумот берилган. ЎзРФА Шарқшунослик институтида “Ал-комил фи-т-таърих” асарининг 13 та қўлёзма нусхалари сақланмоқда³⁴.

Юқорида сўз юритилган тарихий манбалар Марказий Осиёда олиб борилган араб истилочилик ҳаракатлари тарихи тўғрисида маълумот берувчи энг асосий манбалар сирасига киради. Кейинги даврларда ёзилган манбаларда ҳам арабларнинг минтақада олиб борган фатҳ юришлари тўғрисида маълумотлар берилган бўлса-да, улар, асосан, ўзида компилятивлик, нарративлик хусусиятларини жамлайди.

Марказий Осиё ҳудудида VII–IX асрлар мобайнида араб ноиблари томонидан олиб борилган ҳарбий юришларнинг тарихий манбашунослиги бўйича қўйидаги хulosаларни бериш мумкин:

Биринчидан, ушбу юришлар тарихи хусусида маълумот берувчи моддий ҳамда ёзма манбалар фақатгина айнан мавзунигина қамраб олмай, балки ўша даврдаги сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит тўғрисида ҳам етарли ахборот беради;

Иккинчидан, Марказий Осиёдаги араб фатҳ юришлари тарихини ўрганишда, асосан, араб ва форсий тилли манбалардаги маълумотлар асосий аҳа-

³¹ Мадраимов А., Фузайлова Г. Манбашунослик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллый жамияти, 2008. 156-б.

³² Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История / Всеобщая история / تاریخ کامل Полный (свод) истории. Составители: кандидаты филологических наук Д. Ю. Юсупова, Р. П. Джалилова. – Т.: Фан, 1998. – С. 26–27.

³³ Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-таърих (“Полный свод истории”). Пер. с араб. яз., прим. и комментарии П. Г. Булгакова. Доп. к переводу, прим. и комментариям, введ. и указатели Ш. С. Камолиддинова. – Т.: Узбекистан, 2006.

³⁴ Қаранг: Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История / Всеобщая история / تاریخ کامل Полный (свод) истории. Составители: кандидаты филологических наук Д. Ю. Юсупова, Р. П. Джалилова. – Т.: Фан, 1998. – С. 26–30.

мият касб этади, бу ўринда эса, араб муаррихларининг асарлари бирламчи хусусиятга эга;

Учинчидан, маҳаллий муаррихлар томонидан Араб халифалигининг минтақани забт этишга қаратилган ҳаракатлари тўғрисида ёзиб қолдирган маълумотлари гарчи кейинги даврларга тааллуқли бўлса-да, унда тарихий воқе-ликка нисбатан танқидий қараш ўз ифодасини топган;

Тўртминчидан, хитой тилидаги ёзма манбаларда ҳам арабларнинг минтақадаги фатҳ юришлари тарихи ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган, бироқ бу ҳозирча илмий адабиётларда тўлалигича ёритилмаган, шу жиҳатдан ушбу тилдаги мавзуга доир маълумотларни қиёсий-танқидий ўрганиб, илмий муомалага киритиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.